

АРХЕОЛОГИК ВА ЭТНОГРАФИК МАТЕРИАЛЛАРДА ҚАДИМГИ ФАРҒОНАЛИКЛАРНИ КИЙИМЛАРИ ХАҚИДАГИ БАЪЗИ МАЪЛУМОТЛАР

Андижон машинасозлик институти
“Ўзбекистон тарихи” кафедраси профессори,
т.ф.д. Абдуллаев Улуғбек

Андижон машинасозлик институти
ассистенти Одилов Бобир

Ҳар бир халқнинг анъанавий кийимларида ушбу халқнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва этномаданий ўзига хослиги акс этади. Этномаданий ўзига хослик эса мазкур этносни тарихан таркиб топган турмуш тарзи ва анъаналари, ҳўжалик фаолиятининг йўналиши, қолаверса табиий-географик муҳитининг таъсирида шаклланади, турли тарихий даврларда ўзгаришларга учрайди.

Қадимги фарғоналикларнинг кийимлари тўхталганда аввало таъкидлаш жоизки, халқларнинг қадимги кийимлари, у тайёрланадиган матолар бизнинг кунимизга қадар сақланиб қолмаган. Бу тушунарли. Чунки, қадимги аجدодларимизга тегишли кийим ва матолар асрлар давомида истеъмолга яроқсиз бўлиб, парчаланиб йўқ бўлиб кетган. Шундай бўлсада қадимги давр кийимларини бичимлари ва қайси матодан қандай шаклда тикилганлигини ҳамда маҳаллий ва этник хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларни археологик қазишмалар натижасида қўлга киритилган материаллардан билиб оламиз. Афросиёб, Панжикент, Болаликтепа, Холчаён ва бошқа шу каби қадимги ер остида қолиб кетган қасрлар ва ёдгорликларни деворига солинган расмлар, хайкалчалар, теровтика ҳамда кўҳна қабрлардан топилган мато қолдиқлари ҳам ўша қадим даврлардаги мато ва кийимлар ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Археологиклар энг қадимги сопол буюмларда матоларнинг ёпишиб қолган изларини аниқлаганлар[1]. Маълумки энг қадимги кулолчилик буюмларини кулолчилик чархида эмас, балки қўлда тайёрлашган. Дастлаб кум тўлдирилган матонинг атрофига лой ёпиштирилиб тайёрланган идиш қуёшда қуритилган, сўнгра кум тўкиб ташланиб, мато ҳам қуриган идишдан ажратилган. Шу ҳолатда тайёрланган сопол идишнинг ички юзасида матонинг излари қолган. Тадқиқотчиларнинг фикрича қадимги сопол идишларида акс этиб қолган ушбу матолар жуда дағал бўлиб, жундан, ўсимлик поясидан ва пахтадан тўқилган.

Маълумки, Ўрта Осиёнинг ўтроқ деҳқон аҳолиси қадимдан пахтачилик билан шуғулланган[2]. Табиийки, қадимги фарғоналиклар ҳам пахтадан мато тайёрлаб, ундан турли кийимлар тикканлар. Водий ҳудудидаги археологик ёдгорликлардан топилган пахта чигитини қолдиқлари бунга далил бўла олади. Бундан ташқари милoddан аввалги 331 йили Шарқий Цинь (шимолий Хитой) императорига Даван давлати ҳукмдори томонидан пахта газмоли жўнатилганлиги ҳақида Хитой ёзма манбаларида айtilган[3].

Ўрта Осиё, ҳусусан Фарғона водийси ўтроқ аҳолиси орасида ипак курти боқиш, ипак етиштириш ва ундан мато (шойи) тайёрлаш ҳам қадимдан кенг тарқалган эди[4]. Юртимиз ҳудудидан энг қадимги ипак матонинг излари Сополлитепанинг милoddан аввалги XVII-XIV асрларга оид маданий қатламлардан топилган[5]. Бундай ипак қолдиғи Фарғона водийсидаги милoddан аввалги I-II асрларга оид Қорабулоқ мазорқўрғонидан ҳам топилган эди[6].

Хуллас, юқорида келтириб ўтилган мисоллар қадим аجدодларимизда мато тўқиш машғулоти анча ривож топганлигидан далолат беради.

Қадимги фарғоналикларнинг кийимларини ўрганишда Поп яқинидаги Мўнчоқтепа қабристонида олинган материаллар ҳам катта аҳамият касб қилади. Гарчи, ушбу материаллар илк ўрта асрлар билан саналсада, уларни

атрофлича ўрганиш орқали антик даврдаги аجدодларимизнинг кийимлари ҳақида анча аниқ тасаввурга эга бўлиш мумкин[7].

Фарғонашунос археолог Б.Матбобоев томонидан очиб ўрганилган мазкур Мўнчоктепа кўҳна мазоридаги сағаналардан эркак, аёл ва болалар кийимлари, уларнинг қолдиқлари ҳамда кийимга тикилган турли хил нарсалар (тўқалар, тугмалар) топилган эди. Ушбу қадимги кийимлар уларнинг қолдиқларини таъмирлаш натижасида ўша давр аҳолисининг кийимлари билан боғлиқ кўплаб масалаларга, хусусан улар тайёрланган мато турлари, кийимларнинг бичими, нусхалари, қолаверса маҳаллий аҳолининг ҳўжалик машғулотлари ва турмуш тарзи ҳамда дафн билан боғлиқ урф-одатлари тўғрисида муҳим янгиликлар қўлга киритилди. Ўз ўрнида таъкидлаш жоизки, Мўнчоктепа материалларини илмий таҳлили қадим фарғоналиклар кийимларида Ўрта Осиё ва унга туташ ҳудудларда яшовчи бошқа этносларники билан умумий ҳамда маҳаллий (локал) хусусиятлар мавжудлигини кўрсатди. Яъни Мўнчоктепаликларнинг кийимларини кўриниши Буюк Ипак йўли бўйидаги халқларнинг либосларидан унчалик фарқ қилмайди, бироқ айна вақтда кийимлардаги “ўйма чўнтак”, унга қадалган мўнчоклар, махсус безакли тугмалар, банд ва турли амулетлар ҳамда кийимларни қимматбаҳо ипаклар билан безаш-бу Мўнчоктепаликлар кийимининг маҳаллий (локал) жиҳатларидир[8].

Этнографик адабиётларда Ўрта Осиё халқларининг кийимларини тарихи ва эволюцияси ҳақида кўплаб маълумотлар берилган. Одатда этнографлар халқ кийимларини кўпроқ эркаклар, хотин-қизлар, болалар ҳамда маросим кийимлари каби турларга ажратиб ўрганадилар. Тадқиқотчиларни таъкидлашларича ўтмишда аҳоли орасида бичими тўғри ва кенг, елкаси чоксиз кўйлақлар кенг тарқалган бўлиб, унинг ёқалари жияк билан безатилган. Енглари ҳам узун ва кенг, бўйи эса тиззадан пастга туширилган ҳолда тайёрланган. Рус тилидаги адабиётларда бу нусхадаги кўйлақлар “туниканусха” (“туникаобразный”) деб номланган.

Мўнчоктепаликларнинг кийимлари мажмуасида ҳам анъанавий “туниканусҳа” (“туникаобразний”) бичимдаги кўйлақлар катта ўрин эгаллайди. Айни вақтда таъкидлаш керакки, бу жойдан топилган кийимлар орасида мураккаб бичимдаги кийимлар ҳам учрайди[9]. Бу ҳолат Ўрта Осиё халқлари хусусан фарғоналикларнинг қадимги кийимларини эвакуацияси билан изоҳланади.

Эркакларни қадимий “туниканусҳа” (“туникаобразний”) бичимдаги анъанавий кийимлари бичими жиҳатидан аёлларникига жуда яқин туради.

Бу фактнинг ўзи энг аввало ҳар икки жинс вакиллари кўйлақларининг қадимги асоси (негизи) бир бўлганлигини тасдиқлаб турибди. Бироқ, эркак ва хотин-қизларнинг қадимги кўйлақларидаги бундай бир хиллилик ўзгаришсиз қолган деган фикрга келиш мутлақо хато. Чунки, халқ кийимлари ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнлар таъсирида доимо ўзгариб борган, ривожланиб янги элементлар билан бойиган ҳамда албатта табақалаш (дифференсациялаш) ган.

Этнограф О.А. Сухарева Ўрта Осиё халқларининг “туниканусҳа” бичимдаги анъанавий кийимларини тарихи ва эволюциясини ўрганиб, Фарғона водийси, Қирғизистон, Шарқий Туркистон ва Помир олди ҳудудларини ўз ичига олган маданий-тарихий зонада кийимлардаги табақаланиш (дифференциялашув) жараёнида энг аввало анъанавий кийимни жинсга қараб ажратганлигини – эркаклар учун олди очик ҳолатдаги, хотин-қизлар учун эса олди ёпиқ бичимдаги кўйлақлар қадимги даврлардаёқ вужудга келганлигини кўрсатиб ўтган[10].

Хуллас, Фарғона водийси аҳолисини қадимги даврларга хос кийимлари халқимизнинг қадимги тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Зотан, унда халқимизнинг этногенези ва этник тарихига доир кўплаб хусусиятлар намоён бўлади. Археологик ва этнографик материалларни ўрганиш эса халқимизнинг этногенези ва этник тарихига оид янги маълумотларни илмий истеъмолга олиб кирилишига имкон беради.

1. - Бу хақида батафсил қаранг: Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы //МИА №118. М-л; 1962. Табл XVI; Исомиддинов М.Х., Хасанов М.Х. История древнего и средневекового керамического производства Нахшаба Т., 2000. С, 22-23;Матбабаев Б.Х., Машрабов З.З. Древний и средневековый Андижан. Т., 2011, С.60, рис.21; Каробкова Г.Ф. Отпечатке тканей на керамике (по материалам Делварзина, Эйлатана и Даравтургани) //Древнеземледельческая культура Ферганы. С.231-234.
2. Бартольд В.В. Хлобководство в Средней Азии//Соч.Т.II/Ч-1, М., 1963.С.67-75
3. Литвинский Б.А. Горной дело. Римисло//Восточный Туркистан в древности и ранним средневековий.М., 1955.С.7-9
4. Массон М.Е. Фрагмент из истории распространения в древности шелкопрятка//Белек-Малову.Ф., 1946.С.47-51
5. Асаров А.А.Сапаллитепа.Т.1977
6. Балудин Ю.Д. Кара-Булакский могильник//КИЭ.М.1957.ВИП.26.С.96-102
7. Матбабаев Б.Х. К история культуры Ферганы в эпох раннего средневековья Т., 2009, С., 69
8. Матбобоев Б. Қадимги Фарғона аҳолисининг қийим бошлари тарихига доир (археологик материаллар асосида)//Ўзбекистон этнологияси: янги қаралар ва ёндашувлар. Т., 2004. 130-133 бетлар.
9. Матбобоев Б.Х. К история культуры Ферганы в эпоху раннего средневековья ... С., 70
10. Қаранг: Сухарева О.А. Опыт анализа пахроев традиционной “туникаобразной” среднеазиатской одежды в плане их истории и эволюции.//Костюм народов Средней Азии. –М., 1979, С., 78-79